



THEORETICAL AND LEGAL FOUNDATIONS OF THE FIGHT AGAINST THEFT CRIMES COMMITTED BY ORGANIZED CRIMINAL GROUPS

Mirmansur Mirshakhidovich Mirkhamidov

First Deputy Head of the Rapid Search (Operational Search)
Department of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of
Uzbekistan.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18630032>

ARTICLE INFO

Received: 06th February 2026

Accepted: 12th February 2026

Online: 13th February 2026

KEYWORDS

*Organized criminal group,
theft crime, organized crime,
criminological analysis, latent
crime, criminal-legal
qualification, operative-
investigative activity,
complicity.*

ABSTRACT

This article comprehensively analyzes the theoretical and legal foundations of combating theft crimes committed by organized criminal groups. Modern trends in organized crime, the degree of its social danger, and its place in the system of crimes against property are scientifically substantiated. Also, a comparative analysis of the norms of the criminal legislation of the Republic of Uzbekistan and the experience of the CIS countries was conducted. Special attention is paid to the problems of qualifying these types of crimes, identifying and proving signs of organized crime. Based on the scientific discussion, a number of proposals and recommendations were developed.

ТЕОРЕТИКО-ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ БОРЬБЫ С ПРЕСТУПЛЕНИЯМИ ПО КРАЖЕ, СОВЕРШЕННЫМИ ОРГАНИЗОВАННЫМИ ПРЕСТУПНЫМИ ГРУППАМИ

Мирмансур Миршахидович Мирхамидов

Первый заместитель начальника Департамента оперативного розыска
Министерства внутренних дел Республики Узбекистан.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18630032>

ARTICLE INFO

Received: 06th February 2026

Accepted: 12th February 2026

Online: 13th February 2026

ABSTRACT

В данной статье проведен комплексный анализ теоретико-правовых основ борьбы с кражами, совершаемыми организованными преступными группами. Научно обоснованы современные тенденции организованной преступности, степень ее общественной опасности и место в системе преступлений против собственности. Также проведен сравнительный анализ норм уголовного законодательства Республики Узбекистан и опыта стран СНГ. Особое внимание



KEYWORDS

Организованная
преступная группа, кража,
организованная
преступность,
криминологический анализ,
латентная преступность,
уголовно-правовая
квалификация, оперативно-
розыскная деятельность,
соучастие.

уделено проблемам квалификации данного вида
преступлений, выявления и доказывания
признаков организованности. На основе научной
дискуссии разработан ряд предложений и
рекомендаций.

**УЮШГАН ЖИНОЙИ ГУРУХЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛГАН
ЎҒРИЛИК ЖИНОЯТЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ
НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

Мирхамидов Мирмансур Миршахидович

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тезкор қидирув департаменти
бошлиғининг биринчи ўринбосари

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18630032>

ARTICLE INFO

Received: 06th February 2026
Accepted: 12th February 2026
Online: 13th February 2026

KEYWORDS

Уюшган жиноий гуруҳ,
ўғрилиқ жинояти, уюшган
жиноятчилик,
криминологик таҳлил,
латент жиноятчилик,
жиноят-ҳуқуқий
квалификация, тезкор-
қидирув фаолияти,
иштирокчилик.

ABSTRACT

Мазкур мақолада уюшган жиноий гуруҳлар
томонидан содир этилган ўғрилиқ жиноятларига
қарши курашнинг назарий-ҳуқуқий асослари
комплекс таҳлил қилинган. Уюшган
жиноятчиликнинг замонавий тенденциялари,
унинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва мулкка
қарши жиноятлар тизимидаги ўрни илмий
жиҳатдан асослаб берилган. Шунингдек,
Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилиги
нормалари ҳамда МДҲ давлатлари тажрибаси
қиёсий таҳлил қилинган. Мазкур турдаги
жиноятларни квалификация қилиш, уюшганлик
белгиларини аниқлаш ва исботлаш муаммоларига
алоҳида эътибор қаратилган. Илмий мунозара
асосида қатор таклиф ва тавсиялар ишлаб
чиқилган.

Сўнги йилларда
жиноятчиликнинг тузилмавий
жиҳатдан мураккаблашуви ва унинг
уюшган шакллариининг кенгайиб
бориши жиноятчиликка қарши кураш
тизимини такомиллаштириш

заруратини юзага келтирмоқда.
Айниқса, мулкка қарши жиноятлар,
хусусан ўғрилиқ жиноятларининг
уюшган гуруҳлар томонидан содир
этилиши уларнинг ижтимоий



хавфлилик даражасини бир неча баробар оширади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мулк дахлсизлиги кафолатланган¹. Мазкур конституцион кафолатни таъминлаш давлатнинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан қараганда, уюшган жиноий гуруҳлар томонидан содир этиладиган ўғрилиқ жиноятларига қарши кураш масаласи алоҳида илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Жиноят кодексининг 169-моддасида ўғрилиқ учун жавобгарлик назарда тутилган бўлиб², унга кўра мазкур жиноят уюшган гуруҳ томонидан содир этилса, жиноятнинг оғирлаштирувчи ҳолати сифатида баҳоланади. Бироқ амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, уюшганлик белгиларини аниқлаш ва исботлаш жараёнида муайян муаммолар мавжуд.

Россиялик олим А.И. Долгова уюшган жиноятчиликни *“барқарор, иерархик тузилмага эга бўлган ва доимий жиноий фаолият юритувчи жиноий бирлашма”* сифатида таърифлайди³. Ўз навбатида, Қозоғистонлик тадқиқотчи Б.М. Нурғалиев уюшган жиноятчиликнинг асосий белгиси сифатида унинг барқарорлиги ва режалаштирилганлигини кўрсатади⁴.

Ўзбек олимлари томонидан ҳам мазкур масала турли жиҳатлардан ўрганилган бўлиб, профессор М.Х. Рустамбаев уюшган жиноятчиликни жиноят ҳуқуқи назариясида алоҳида институт сифатида баҳолаган⁵. Унинг фикрига кўра уюшган жиноятчиликнинг ижтимоий хавфлилиги унинг барқарорлиги ва қайта-қайта жиноят содир этишга қаратилганлиги билан белгиланади.

Бироқ илмий адабиётларда уюшган жиноий гуруҳ тушунчасининг мазмуни, унинг иштирокчилик шаклларида фарқи ва ўғрилиқ жиноятларида намоён бўлиш хусусиятлари борасида ягона ёндашув мавжуд эмас. Бу эса амалиётда квалификация масалаларида турлича талқинларни келтириб чиқармоқда.

Мазкур мақоланинг асосий мақсади ҳам уюшган жиноий гуруҳлар томонидан содир этилган ўғрилиқ жиноятларига қарши курашнинг назарий-ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Уюшган жиноятчилик феномени жиноят ҳуқуқи ва криминология фанларида энг мураккаб ва кўп қиррали институтлардан бири ҳисобланади. Уюшган жиноий гуруҳ

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2023. – 53-модда.

² Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Т.: Адолат, 2024. – 169-модда.

³ Долгова А.И. Криминология. – Москва: Норма, 2018. – С. 312.

⁴ Нурғалиев Б.М. Организованная преступность: теория и практика противодействия. – Алматы: Жеті Жарғы, 2019. – С. 74.

⁵ Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. – Т.: Адолат, 2020. – 245-бет.



тушунчаси иштирокчилик институти доирасида шаклланган бўлса-да, амалда у оддий иштирокчиликдан сифат жиҳатидан фарқ қилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 29-моддасига мувофиқ, жиноятни бир гуруҳ шахслар томонидан содир этиш иштирокчилик шаклларида бири ҳисобланади⁶.

Шу билан бирга, қонунчиликда **“уюшган гуруҳ”** тушунчаси оғирлаштирувчи ҳолат сифатида назарда тутилган. Аммо назарий жиҳатдан **“гуруҳ бўлиб содир этилган жиноят”** ва **“уюшган гуруҳ”** тушунчалари ўртасида аниқ чегара ўтказиш масаласи мунозарали бўлиб қолмоқда.

Россиялик олим В.Н. Кудрявцев уюшган жиноий гуруҳни *“олдиндан режалаштирилган, барқарор ва аниқ вазифалар тақсимомига эга жиноий тузилма”* деб таърифлайди⁷. Унинг фикрича, барқарорлик – уюшганликнинг асосий мезони ҳисобланади. Агар жиноят бир марта содир этилган бўлса ва иштирокчилар ўртасида доимий алоқа бўлмаса, бундай бирлашмани уюшган деб баҳолаш тўғри бўлмайди.

Айрим олимлар эса барқарорлик мезонини мутлақлаштиришга қарши чиқадилар. Жумладан, А.Э. Жалинскийнинг фикрича, уюшганликни фақат барқарорлик орқали эмас, балки режалаштириш

даражаси ва роллар тақсимоми орқали баҳолаш мақсадга мувофиқ саналади⁸. Бу ёндашув айниқса ўғрилиқ жиноятларида аҳамиятлидир, чунки бундай жиноятлар кўп ҳолларда бир неча эпизоддан иборат бўлади ва аниқ тайёргарликни талаб қилади.

Ш.Т. Икрамовнинг таъкидлашича, уюшган жиноятчилик – бу жиноий фаолиятни касб сифатида танлаган шахслар томонидан барқарор равишда амалга ошириладиган фаолиятдир⁹. Муаллиф ушбу таъриф орқали уюшган жиноятчиликнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси юқори эканлигини асослайди.

Бироқ айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, жиноий фаолиятнинг **“касб”** даражасига кўтарилгани ҳар доим ҳам уюшганликни англатмайди. Масалан, бир шахс мунтазам равишда ўғрилиқ содир этса-да, у бошқа шахслар билан барқарор алоқада бўлмаса, бундай ҳолатни уюшган гуруҳ деб баҳолаш мумкин эмас. Демак, уюшган жиноий гуруҳ тушунчасини аниқлашда бир нечта мезонларни комплекс тарзда баҳолаш зарур.

Илмий адабиётлар таҳлили асосида қуйидаги белгиларни ажратиш мумкин:

1. Барқарорлик;
2. Олдиндан режалаштириш;
3. Роллар тақсимоми;

⁶ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Т.: Адолат, 2024. – 29-модда.

⁷ **Кудрявцев В.Н.** Общая теория квалификации преступлений. – Москва: Юрист, 2017. – С. 214.

⁸ **Жалинский А.Э.** Уголовное право: проблемы теории. – Москва: Норма, 2016. – С. 187.

⁹ **Икрамов Ш.Т.** Жиноят ҳуқуқи назарияси муаммолари. – Т.: ТДЮУ, 2019. – 132-бет.



4. Жиноий фаолиятнинг давомийлиги;

5. Моддий манфаат кўриш мақсади.

Қозоғистонлик олим Қ.Ж. Толеубекованинг фикрича, уюшган гуруҳларда ички интизом ва иерархик тизим мавжуд бўлади¹⁰. Бу жиҳат оддий иштирокчиликдан асосий фарқни белгилайди.

Ўғрилиқ жиноятларида ушбу белгилар қуйидагича намоён бўлади:

- объектни олдиндан ўрганиш;
- техник воситалардан фойдаланиш;
- жиноят изларини йўқотиш бўйича режа;
- ўғирланган мулкни реализация қилиш механизми.

Бу ҳолатлар жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини оширади. Чунки бундай гуруҳлар жиноят содир этишда юқори даражада тайёргарликка эга бўлади ва уларни фош этиш анча мураккаб саналади.

Илмий адабиётларда яна бир муҳим мунозара мавжуд, бу – “уюшган гуруҳ” ва “жиноий уюшма (жиноий ташкилот)” тушунчаларини фарқлаш масаласидир.

Россия Федерацияси Жиноят кодексида “преступное сообщество (преступная организация)” алоҳида институт сифатида назарда тутилган¹¹. Айрим олимлар фикрича, уюшган гуруҳ – бу жиноий уюшманинг соддалаштирилган шаклидир. Бошқалар эса бу икки

тушунчани мутлақо алоҳида институт сифатида баҳолайди.

М.Х. Рустамбаевнинг таъкидлашича, уюшган гуруҳ жиноий уюшма даражасига етмаган, аммо оддий иштирокчиликдан юқори бўлган шакл ҳисобланади¹². Ушбу позиция миллий қонунчилик амалиётига яқин ҳисобланади.

Муаллифнинг фикрича, ушбу икки тушунчани фарқлашда қуйидаги мезонлар асос қилиб олиниши лозим:

- аъзолар сони;
- фаолият кўлами;
- иерархия даражаси;
- жиноий фаолиятнинг муддати.

Ўғрилиқ жиноятлари контекстида кўп ҳолларда уюшган гуруҳ шакли учрайди, аммо айрим ҳолларда у жиноий уюшма даражасига ўсиб бориши мумкин. Шу нуқтаи назардан, профилактика чоралари айнан уюшган гуруҳ босқичида кучайтирилиши мақсадга мувофиқдир.

Криминологик нуқтаи назардан, уюшган ўғрилиқ жиноятлари қуйидаги хусусиятларга эга:

- латентлик даражасининг юқорилиги;
- трансгегаравийлик;
- профессионализм;
- коррупцион алоқалар эҳтимоли.

А.И. Долгова уюшган жиноятчилиқни “жиноятчилиқнинг энг хавfli шакли” дея баҳолайди. Унинг фикрича, бундай гуруҳлар

¹⁰ **Толубекова Қ.Ж.** Организованная преступность в Республике Казахстан. – Алматы: ҚазҰУ, 2020. – С. 96.

¹¹ Уголовный кодекс Российской Федерации. – Москва, 2024. – Ст. 210.

¹² **Рустамбаев М.Х.** Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. – Т.: Адолат, 2020. – 248-бет.



жамиятнинг иқтисодий барқарорлигига бевосита таъдид солади¹³.

МДХ давлатлари амалиёти таъдиди шуни кўрсатадики, уюшган ўғрилик жиноятлари кўп ҳолларда автомобил ўғирлаш, уй-жойга кириб ўғрилик қилиш ва йирик мол-мулк объектларини талон-торож қилиш шаклида намоён бўлади.

Бизнинг фикримизча, мазкур жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиги фақат етказилган зарар миқдори билан эмас, балки жиноятчиликнинг институционаллашуви билан ҳам белгиланади. Агар жиноий гуруҳ барқарор тузилмага айланса, у келгусида янада оғир жиноятларга айланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида иштирокчилик шакллари 29–32-моддаларда тартибга солинган бўлиб, уюшган гуруҳ тушунчаси квалификация қилувчи белги сифатида бир қатор моддаларда, жумладан 169-моддада ҳам назарда тутилган. Қонунчиликда уюшган гуруҳга таъриф бевосита ва тўлиқ шаклда берилмагани эса амалиётда муайян талқин муаммоларини келтириб чиқаради.

Жиноят-процессуал кодексида эса уюшган жиноятларни тергов қилишда далилларни тўплаш, процессуал мажбурлов чораларини қўллаш ва тезкор-қидирув натижаларини процессуал

мустаҳкамлаш тартиби белгилаб қўйилган¹⁴.

“Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунга кўра, уюшган жиноятчиликка қарши курашишда махсус тезкор тадбирлар ўтказилиши мумкин¹⁵.

Шу билан бирга, қонунчиликда **“барқарорлик”** ва **“олдидан тил бириктириш”** тушунчаларининг мазмуни аниқ чегараланмаган. Амалиётда баъзи ҳолларда икки ёки уч шахс томонидан бир неча эпизод содир этилган бўлса, улар автоматик равишда “уюшган гуруҳ” деб баҳоланади. Бошқа ҳолларда эса, аксинча, барқарор алоқалар мавжуд бўлса-да, фақат “бир гуруҳ шахслар” деб квалификация қилинади.

Олий суд Пленумининг мулкка қарши жиноятларга оид айрим тушунтиришларида уюшганлик белгиларини баҳолашда барқарорлик ва роллар тақсимолига эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланган¹⁶. Бироқ амалиётда ушбу мезонларнинг исботлаш стандарти аниқ эмас.

Бизнинг фикримизча, қонунчиликда уюшган гуруҳ тушунчасининг қонуний таърифини киритиш зарур. Унда камида қуйидаги элементлар ифодаланиши лозим:

- *барқарор тузилма;*
- *камида икки эпизод ёки давомий жиноий фаолият;*
- *олдидан режалаштириш;*
- *роллари тақсимоли.*

¹³ Долгова А.И. Криминология. – Москва: Норма, 2018. – С. 318.

¹⁴ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. – Т.: Адолат, 2023. – 81-модда.

¹⁵ “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонун. – Т.: 2012. – 14-модда.

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори. – 2018 й.



Бу ёндашув квалификацияда ягона амалиётни таъминлашга хизмат қилади.

Уюшган гуруҳни исботлашда асосий муаммо — иштирокчилар ўртасида барқарор алоқа ва роллар тақсимотини процессуал жиҳатдан мустаҳкамлашдир. Кўп ҳолларда айблов фақат кўрсатмаларга асосланади, моддий далиллар эса етарли даражада тўпланмайди.

Россиялик олим Н.Ф. Кузнецованинг таъкидлашича, уюшганликни исботлашда билвосита далиллар тизими алоҳида аҳамият касб этади¹⁷. Ушбу ёндашув миллий амалиёт учун ҳам долзарбдир.

Шу билан бирга, тезкор-қидирув тадбирлари натижаларини процессуал шаклга келтириш муаммоси ҳам мавжуд. Айрим ҳолларда судлар тезкор маълумотларни далил сифатида қабул қилишда эҳтиёткорлик билан ёндашадилар. Бу эса айбловнинг барқарорлигини пасайтиради.

Фикримизча уюшган жиноятлар бўйича махсус ихтисослашган тергов гуруҳларини шакллантириш ва криминал таҳлил методларини жорий этиш зарур. Айниқса, **рақамли излар** (*телефон алоқалари, молиявий операциялар*)ни таҳлил қилишда замонавий дастурий воситалардан фойдаланиш самарали натижа беради.

¹⁷ Кузнецова Н.Ф. Уголовное право России. – Москва: Норма, 2019. – С. 402.

¹⁸ Уголовный кодекс Республики Казахстан. – Алматы, 2023. – Ст. 262.

¹⁹ Постановление Пленума Верховного Суда РФ. – 2010 г.

Қозоғистон Республикаси
Жиноят кодексида уюшган гуруҳ тушунчаси нисбатан аниқроқ ифодаланган бўлиб, унда барқарорлик ва жиноий фаолиятнинг олдиндан режалаштирилганлиги асосий мезон сифатида белгиланган¹⁸. Бу амалиёт квалификацияда аниқликни таъминлайди.

Россия Федерациясида эса “уюшган гуруҳ” ва “жиноий ҳамжамият” тушунчалари алоҳида фарқланади. Суд амалиётида барқарорлик мезонига алоҳида эътибор қаратилади¹⁹.

Қирғиз Республикаси
қонунчилигида уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўйича махсус давлат дастурлари қабул қилинган²⁰. Бу профилактика йўналишида комплекс ёндашувни таъминлайди.

Халқаро даражада эса БМТнинг 2000 йилги Трансмилий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясида уюшган жиноий гуруҳга таъриф берилган²¹.

Унга кўра, уюшган жиноий гуруҳ — камида уч шахсдан иборат бўлиб, маълум вақт давомида фаолият юритувчи ва жиддий жиноят содир этиш мақсадида бирлашган тузилмадир.

Бизнинг фикримизга кўра, миллий қонунчиликни такомиллаштиришда мазкур халқаро

²⁰ Уголовный кодекс Кыргызской Республики. – Бишкек, 2023.

²¹ United Nations Convention against Transnational Organized Crime. – New York, 2000. – Art. 2.



стандартлар инobatга олинishi лозим. Айниқса, трансчегаравий ўғрилиқ жиноятлари (*масалан, автотранспорт воситаларини ёқи қимматбаҳо буюмларни ўғирлаш*)да халқаро ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга.

Юқоридаги таҳлиллар асносида амалиётда **уюшган гуруҳ тушунчасининг қонунчиликда аниқ таърифланмагани; исботлаш стандартларининг бир хил эмаслиги; тезкор-қидирув маълумотларини процессуал мустаҳкамлаш муаммоси; идоралараро ахборот алмашинувининг етарли эмаслиги; латент жиноятчилик даражасининг юқорилиги** каби бир қатор муаммоли жиҳатлар мавжуд эканлиги маълум бўлди.

Ушбу муаммоларни ҳал этиш учун қуйидаги **таклифлар** илгари сурилади:

- Жиноят кодексига уюшган гуруҳнинг легал таърифини киритиш;
- уюшган жиноятлар бўйича ягона суд амалиётини шакллантириш;
- криминал таҳлил марказларини ташкил этиш;
- МДХ давлатлари билан маълумот алмашиш тизимини рақамлаштириш;
- профилактика чораларини кучайтириш.

Олиб борилган назарий-ҳуқуқий ва қиёсий таҳлиллар шуни кўрсатадики, уюшган жиноий гуруҳлар томонидан содир этилган ўғрилиқ жиноятлари замонавий жиноятчиликнинг энг хавфли ва мураккаб шакллари билан бири

ҳисобланади. Уларнинг ижтимоий хавфлилиги нафақат етказилган моддий зарар миқдори билан, балки жиноятчиликнинг барқарорлашуви, институционаллашуви ва трансчегаравий хусусият касб этиши билан ҳам белгиланади.

Тадқиқот натижаларига кўра, уюшган жиноий гуруҳ тушунчаси жиноят ҳуқуқи назариясида иштирокчилик институти доирасида шаклланган бўлса-да, амалда у оддий иштирокчиликдан сифат жиҳатидан фарқ қилади. Барқарорлик, роллар тақсимоли, олдиндан режалаштириш ва давомийлик каби белгилар унинг асосий мезонлари ҳисобланади.

Шу билан бирга, миллий қонунчиликда уюшган гуруҳ тушунчасининг аниқ легал таърифи мавжуд эмаслиги квалификация ва исботлаш амалиётида турлича ёндашувларни келтириб чиқаради. Айрим ҳолларда жиноят асоссиз равишда уюшган гуруҳ сифатида баҳоланади, бошқа ҳолларда эса аксинча, барқарор тузилма мавжуд бўлса-да, мазкур белги инobatга олинмай қолади.

Тадқиқот жараёнида илгари сурилган таклифлар жиноятчиликка қарши кураш фаолияти самарадорлигини ошириш, ҳуқуқни қўллаш амалиётида ягона ёндашувни таъминлаш ва мулк дахлсизлигини муҳофаза қилишга хизмат қилади.

Шу тариқа, уюшган жиноий гуруҳлар томонидан содир этилган ўғрилиқ жиноятларига қарши курашнинг назарий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш замонавий жиноятчилик шароитида



давлат сиёсатининг устувор
йўналишларидан бири бўлиб қолади.